Паркент тумани Ўчоқ, Хўжа, Гулбоғ, Чўққайма, Бешкапа, Булоқбоши, Бўрсиллик, Қўличи, Бодомтепа, Мозорхожи, Сурхи, Наврўз, Ойбек, Обжувоз, Қуруқсой, Қўшқукур, Сой, Истикбол, Самаробод маҳаллалари чегараларида (35,2 минг киши).

41-"Бойқозон" сайлов округи
(Маркази – Паркент тумани 31-мактаб биноси)

Паркент тумани Марказий, Гулистон, Оқтепа, Қўрғонтепа, Ёшлик, Бойқозон, Яшнобод, Богбон, Қайилма, Самсарак, Янги Навбахор, Бўстон, Қирғизовул, Қуёш, Чинорбулоқ, Қичқўрғон, Қумушқон, Теман, Нуробод, Қунгай, Олмазор маҳаллалари чегараларида (34,1 минг киши).

42-"Заркент" сайлов округи
(Маркази – Паркент тумани 53-мактаб биноси)

Паркент тумани Истиклол, Қўрғон, Янгиобод, Тожийбой Ризаев, Хўррият, Улугбек, Чашма, Чинор, Шампан, Янги Санганак, Невич, Новдак, Қизилсой, Обод, Бозорбоши, Чинорли маҳаллалари чегараларида (29,2 минг киши).

43-"Пискент" сайлов округи
(Маркази – Пискент тумани "Ватанпарвар" ташкилот биноси)

Пискент тумани Мўминобод, Лолаарик, Навоий, Ойбек, Митан, Янгиобод, Майлобод, Бекобод, Ғайрат, Бирлик, Новкент, Зоминовул, Дўстлик, Саидобод, Дўстлик, Чимқўрғон маҳаллалари чегараларида (34,1 минг киши).

44-"Қориз" сайлов округи
(Маркази – Қориз хизмат кўрсатиш ва технологиялар касб-хунара коллежи биноси)

Пискент тумани Файзобод, Мингтепа, Сувти, Оқтом, Мустақиллик, Қултепа, Қўлта, Гулистон, Намуна, Тараққиёт, Холиқберди маҳаллалари, 9227-сонли ҳарбий қис



Вилоят бўйлаб «ОҚ ОЛТИН»ДАН СИРГА ТАҚИБ...

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова бошчилигидаги кўмита жамоаси вилоятимизнинг ОҚЎРҒОН тумани пахта далаларида бўлиб, теримда фаол иштирок этди.

Элмира Боситхонова ҳа-
шарчи, теримчи аёллар билан дилдан суҳбатлашди, қишлоқ ҳўжалиги ривожини орқали халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришда уларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини ало-

ҳида таъкидлади. Самимий тарзда кечган мулоқотда аёллар ўзлари, оилалари ва келажак режалари ҳақида ўртоқлашди.

Фаол теримчи аёллар эс-
далик совғалари билан рағбатлантирилди.

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

ЧИРЧИК шаҳридаги "Ёшлар маркази"га Жанубий Кореянинг "Кюнгдонг" университети президенти ҳамда Малайзия тил курси директори ташриф буюрди.



Улар иштирокида шаҳар ёшлари билан ўзаро суҳбат ўтказилди. Университет президенти Кореяда таҳсил олиш истаги бор ёшларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ўз маслаҳатларини берди. Мулоқотнинг инглиз тилида олиб борилгани суҳбат самарадорлигини янада оширди. Шаҳар ёшларининг ҳар жабҳада фаоллиги йиғилганларда илқ таассурот уйғотди.

ТЕХНИКУМЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасига кўра, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб қишлоқ ҳўжалиги соҳасида олий таълим тизими билан интеграциялашган техникумлар фаолияти йўлга қўйилади.

Жумладан, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм ҳамда

Тошкент вилояти (Зангиота қишлоқ ҳўжалиги коллежи биноси)да техникумлар ташкил этилиши кўзда тутилган.

ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ИҚРОРИМ

Ўзимнинг ўттиз йилдан ортиқроқ меҳнат фаолиятим давомида мамлакатимизда тиббиёт соҳасига ҳозиргидек катта эътибор қаратилганини кўрмаганман. Соҳадаги бугунги ислохотлар бизни янада яхшироқ, самаралироқ меҳнат қилишга ундамоқда. Бу борада Президентимизнинг тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш тўғрисида қабул қилган бир қатор Фармон ва қарорлари муҳим дастуриламал бўлмоқда.

□ Изҳор

Айниқса, Юртбошимизнинг Бўка туманига ташрифи чоғида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан яхшилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги кўрсатмалари кучимизга-куч қўшди. Қолаверса, Бўка таърибасини намуна қилиб кўрсатиш ва уни оммалаштириш вазифаси қўйилди. Ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан етарлича маблағ ажратилгани ҳам бежиз эмас.

Шундан сўнг туманимизда тиббиёт соҳасидаги ишлар авж олиб кетди. "Бўстон" маҳалласида намунали тарзда 7-сонли оилавий поликлиника ишга туширилди. Кўп тармоқли туман марказий поликлиникасининг янги биноси қурилиши жадал олиб бориляпти, 6-, 9-, 10-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаларида эса реконструкция ишлари қизғин. Шунингдек, туманимизнинг "Туркистон" ва "Кўкорол" ҳудудларида шошилинч тез тиббий ёрдам станциялари ишга тушиш арафасида.

Соҳага қаратилаётган эътибордан руҳланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилашга астойдил ҳаракат қилаёلمиз. Аҳолини чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказиш, кўча тиббий қўриқлар ташкил этиш доимий диққат марказимизда.

Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида Президентимизнинг фармонида биноан II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланганим кўнглимни тоғдек кўтарди.

Бундан буён ҳам бор кучим ва билимим билан эл-юрт саломатлиги йўлида хизмат қилавераман.

Муқаддас МИРСОЛИЕВА,

Бўка тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника мудираси

Нурафшон шаҳар ҳокимлиги жамоаси шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Бегматовга падари бузруквори

ПАХРИТДИН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Президентимиз томонидан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, оқова сув тармоқларини яхшилаш борасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси юзасидан айни пайтда вило-

да. Шунингдек, "Файрат" маҳалласида 12, "Расулбод" маҳалласида 7 километр узунликдаги ичимлик суви тармоғини реконструкция қилиш ишлари якуний босқичда.

Ҳисоб-китобимизга кўра, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 206 минг нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланади. Вилоят миқёсида бу кўрсаткич 71 фоизга етади. Юқорида айтилганидек,

тирилиб, 7 та объектда йирик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Мазкур лойиҳалар доирасида 68 та сув иншооти, 468 километр ичимлик, 60 километрдан ортиқ оқова сув тар-

ортиқ ер қазииш ишлари, 227 километрдан ортиқ ичимлик ва оқова сув қувурларини ётқизиш ишлари бажарилди. Мухтасар айтганда, мазкур йўналишлар бўйича белгиланган вазифаларнинг 61

ИЧИМЛИК ВА ОҚОВА СУВ ТАРМОҒИ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

ятимиз, шу жумладан, Чиноз туманида қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Туманининг айрим маҳаллалари бўйича вазиятга баҳо берадиган бўлсак, манзара куйидагича: "Шалолла" ва "Каналобод" маҳаллаларида 22 километр ичимлик суви тармоғини тортиш белгиланган. Айни пайтга қадар 5 дона қудуқ қазилди. "Янгиобод" ва "Пахтаобод" маҳаллаларида 4 километрдан ичимлик суви қувури ётқизилди. Шунингдек, "Янги ҳаёт" маҳалласида ҳам қарийб шунча масофага ичимлик суви қувури ётқизилди.

"Обод маҳалла" дастури доирасида Амир Темура маҳалласида 5 километр ичимлик суви тармоғини тортиш ишлари якунига етказилмоқ-

◀ Бошланғич 1-бетда

Умуман олганда, йиллар давомида реконструкция қилинмаган мавжуд тизимни янгилаш ва демонтаж қилиш ишлари нафақат Чиноз тумани, балки вилоятимиз бўйлаб ҳам жадал давом эттирилмоқда. Вилоят бўйича айтадиган бўлсак, жорий йилда жами 960 километр ичимлик суви тармоғи янгидан тортилади ва таъмирланади.

Вилоятда жами 9 та оқова сув тозалаш иншооти мавжуд. Аҳолининг оқова сув хизмати билан таъминланганлик даражаси атиги 34 фоизни ташкил этади. Шунинг ўзиёқ ушбу йўналишда қиладиган ишларимиз ҳажми жуда кўплигидан далолат, албатта.

Шундан келиб чиқиб, йил якунига қадар оқова сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш йўналишида жадал иш олиб борилмоқ-

муҳтарам Президентимизнинг Тошкент вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқларига асосан ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматини яхшилашга қарийб 300 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилди. Шу асосда 89 та объектнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, тасдиқланди. Жумладан, ичимлик суви тизими бўйича 82 та объектда қурилиш-таъмирлаш, шу жумладан, 39 лойиҳа бўйича янги қурилиш, 44 лойиҳа бўйича эса реконструкция ишлари бажарилади. Ушбу ишларга 227 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Оқова сув тизимига эса 73 миллиард сўм маблағ йўналтирилади. Шунингдек, тенг қийматга эга меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг

моқлари, шунингдек, бир кеча-кундузда 4 минг куб. метр оқова сув тозалаш иншоотини қуриш, реконструкция қилиш режалаштирилган.

Айни пайтда 11 та йилдан-йилга ўтувчи Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги объектларидан ташқари, 78 та объектдан 71 та ичимлик ва оқова сув объектида 253 километрдан

фоизи бажарилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎзА мухбири

МЕҲНАТДА, АВВАЛО, ШАРОИТ БЎЛСИН

Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ташаббуси билан Бутунжаҳон муносиб меҳнат кунига бағишлаб давра суҳбати ташкил этилди. Унда вилоят прокуратураси, адлия, молия бoshқармаларининг мутасаддилари, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ва касаба уюшмалари масъуллари иштирок этишди.

□ Касаба уюшмалари ва давр

Таъкидланганидек, ҳозирда мамлакатимизда аҳоли бандлигини тўлиқ таъминлаш, ходимлар учун хавфсиз ва муносиб меҳнат шароити яратиш, улар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, иш жойларида қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари ярати-
лиши, бунда иш берувчиларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш масалала-

рига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Тadbирда бугунги кунда давлат хизматчилари меҳнатини адолатли тартибга солиш, жамоавий меҳнат низоларини ҳуқуқий ҳал этишни такомиллаштириш ва ялпи ички маҳсулотда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳиссасини ошириш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, тенг қийматга эга меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг

ҳақ тўлаш тамойилини самарали амалга ошириш масаласига ҳам тўхталинди.

Ўзбекистонда муносиб меҳнат тамойилларини амалга ошириш учун давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида самарали ижтимоий мулоқот ўрнатилган, – дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси ўринбосари Ўткирбек Рашидов. – Жумладан, ҳукумат, касаба уюшмалари федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича келишув имзоланиб, амалиётда қўлланилмоқда. Олиб борилаётган бундай чора-тадбирлардан қўзланган мақсад – фуқароларга муносиб меҳнат шароитлари яратиб бериш ва мажбурий меҳнатга йўл қўймасликдир. Ўз мухбиримиз



Ҳаммага аёнки, гиёҳванд моддалар инсон саломатлигига салбий таъсир этиб, оғир фожиаларга олиб келади. Афсуски, гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш ва сотиш бугунги кунга келиб бутун инсониятга катта таҳдид солмоқда.

ОҒУФУРУШЛАР УШЛАНДИ

Шуниси ачинарлики, эндиликда бу каби жиноий савдо вертуал тармоқлар орқали ҳам кенгайиб бормоқда.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида истикомат қилувчи И. Икромов ва вилоятимизнинг Бўстонлиқ туманида яшовчи С. Баҳромов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) "Спайс" деб аталмиш қўлбола гиёҳванд моддани ишлаб чиқариш ва ешларимиз орасида тарқатиш билан шуғулланиб келишган. Икковлар ўзаро жиноий тил бириктириб, одамларни захарлаш ҳисобига катта миқдорда даромад топишган. Бирок, "Бузоқнинг юргани сомонхонагача", деганларидек, уларнинг ҳам "кетмони баландга учмади". Вилоят ички ишлар бош бoshқармаси тезкор ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан уларнинг жиноий фаолиятларига чек қўйилди. Оғуфुरुшлар Чирчиқ шаҳрида 75 грамм "Спайс" гиёҳванд моддасини ғилофчаларга қадоқлаб, сотаётган пайтларида қўлга олинишди. Энди улар қонун олдида жавоб беришлари муқаррар.

Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ

9 октябрь – Бутунжаҳон почта куни

1874 йил 9 октябрь куни Швейцария пойтахти Берн шаҳрида Бутунжаҳон почта иттифоқи (БПИ) ташкил топган ва ҳар йили ушбу санада Бутунжаҳон почта куни нишонланади, деб хабар беради "Ўзбекистон почтаси" АЖ.

9 октябрни Бутунжаҳон почта куни деб эълон қилиш ҳақида 1969 йили Токио шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон почта иттифоқининг навбатдаги Конгрессида расман қарор қабул қилинган.

1994 йили Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон почта иттифоқида тўла ҳуқуқли аъзо давлат сифатида қабул қилиниб, бугунги кунда дунёнинг деярли барча давлатлари билан халқаро почта алмашинувларини амалга ошириб келади.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали таркибидаги 7 та туманлараро почта алоқаси боғламаларида жами 216 та алоқа бўлимлари мавжуд. 7 та марказий алоқа бўлимларини қўшиб ҳисоблаганда 223 та почта алоқа бўлимлари фаолият олиб боради. Аҳоли почта хизматларидан эркин фойдаланиши учун 223 та почта алоқа бўлимлари ҳисобида 270 дона почта қутилари мавжуд. Почта алоқа бўлимларининг иш вақти ҳафтаининг якшанба ва душанба кунидан ташқари, ҳар куни 08.00 дан 17.00 гача, тушлик 12.00 дан 13.00 гача белгиланган. Филиалда 809 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали таркибидаги почта алоқаси объектларида қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

– ички ва халқаро ёзма хат-хабарларни қабул қилиш ва етказиб бериш;
– ички ва халқаро бандеролларни қабул қилиш ва етказиб бериш;

қабул қилиш ва етказиб бериш;
– ички ва халқаро майда пакетларни қабул қилиш ва етказиб бериш;
– ички ва халқаро почта жўнатмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш;
– ички тезкор почта жўнатмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш;
– ички курьерлик почта жўнатмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш;
– газета ва журналлар учун обуна қилиш ва уларни обуначиларга етказиб бериш;

– почта тўлов белгилари (маркалар)ни сотиш ишлари ва почтанинг қўшимча хизмат турларини кўрсатиш;
– газета ва журналларни (чакана савдо) сотиш;
– товарлар (конвертлар, босма маҳсулотлар ва бошқалар) ни сотиш;
– почта тўлов белгилари (маркалар)ни сотиш ишлари ва почтанинг қўшимча хизмат турларини кўрсатиш;
– газ тўловлари;
– электр энергияси тўловлари;
– иссиқлик энергияси учун тўловлар;
– сув учун тўловлар;
– телефон учун тўловлар;
– суғурта бадаллари (қиймати эълон қилинган почта жўнатмалари учун);
– пайнет тизими орқали тўловлар;
– аҳолини ва автотранспорт воситалари суғуртаси учун тўловларни қабул қилиш хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.



Реклама ўрнида

«ҚИРҚҚИЗ»ДАН ЧИҚҚАН ЁҚУТХОН

Афсонавий "Қирққизобод"даги 29-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Ёқутхон Махмудова каратэ бўйича халқаро турнир голиби бўлди! Бу хушхабар бир зумда бутун мактаб жамоасини, қирққизликларни, қолаверса, барча пискентликларни тўлқинлантириб юборди.

Хушхабар

Ёқутхон болалигидан спортга меҳр қўйиб ўсди. Унинг истаклари амалга ошишида отаси Эргаш аканинг иштироки катта бўлди. Пискент томонларда Эргаш полвон деб ном қозонган отасига тош кўтариш, кураш тушишда ҳеч ким тенг келолмасди.

Ёқутхон 10 ёшидан бошлаб спортнинг каратэ-до тури бўйича шугуллана бошлади. Ундаги иқтидорни, спортга бўлган ҳавас-иштиёқни тез пайқаган Эргаш ака қизини Олмалиқ шаҳридаги "Зулху-

мор" каратэ клубига олиб борди. Унга Мафтуна опа ва Баҳодир Бобоевлар устозлик қилишди.

Албатта, каратэ энг қийин спорт турларидан бири. Лекин, устозлари маслаҳатига қулоқ тутиб, кунт билан тинимсиз шугулланган Ёқутхон ортага чекинмади, мақсади сари интилди.

Ёш спортчи қиз аста-секин турнирларга, спорт мусобақаларига жалб этила бошлади. Дастлаб, 2017 йилда Олмалиқ шаҳрида ўтказилган клубла-

ро турнирда қатнашиб, 2-ўринни кўлга киритди. 2018 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган вилоят очик биринчилигида 3-ўрин, ўша йили Бухоро шаҳрида ўтказилган вилоят очик чемпионатида эса икки мартаба голиблик шох-супасига кўтарилди.

Жорий йилдаги натижалар ҳам қувонарли бўлди. Қибрайда ўтган хотира турнири, Янгийўл шаҳрида ўтказилган вилоят чемпионатида 1-ўрин-

ни эгаллади. Шунингдек, республикамизда ўтган чемпионатларда кетма-кет мутлақ голибликни кўлга киритди.

Энг катта ютуқ, шубҳасиз, Арманистон пойтахтида бўлиб ўтган "Ереван-опен" халқаро очик турнирида қайд этилди. 45 кг. вазн тоифасида қатнашган Ёқутхон турнир голибаси бўлди.

Албатта, унинг ютуқларидан устозлари ҳам хурсанд. Ёқутхон жуда тиришқоқ,

меҳнатсевар қиз, – дейди 29-мактабнинг илмий бўлим муdiri Махпират Иноғомова. – "Спортчиман", деб ўқишни ташлаб қўймаган, барча фанлардан аъло баҳоларга ўқийди. Шундай шогирдларим борлигидан фахрланаман.

Ёқутхоннинг орзулари билан қизикдик.

– Ягона орзуим – каратэ бўйича жаҳон чемпиони бўлиш, – дейди спортчи қиз. **Ашуралӣ БОЙМУРОДОВ**



Ажаб сирлар

БЕШТЕПАМИ ЁКИ ИЛОНТЕПА?

Обжаз қишлоғи билан Ангрен шахри оралигидаги масофа бор-йўғи йигирма чақирим холос. Бироқ, Обжазсой бўйлаб йўл юрган одамга жуда узоқ бўлиб туолади. Чор-атроф манзараси ҳам дам-бадам ўзгариб боради.

Қачонлардир бу жойлардан Илок давлатининг кўп-кўп қарвон йўлларидан бири ўтган. Йўлнинг ҳар икки томонида сақланиб қолган қадимий шаҳарлар харобалари шундан далолат бериб туради.

Бештепа қишлоғи энг йирик аҳоли истиқомат жойларидан бири бўлган. Бундан минг йиллар илгари шу жойда бешта маҳобатли қалъа савлат тўкиб турган. Улар узоқ йиллар, яъни, то ўзга қабила босқинчиларининг қадамлари етгунча ғоятда гуллаб-яшнаган. Яна бу ерда бешта қимматбаҳо тош бўлган ва даврлар оша авлоддан-авлодга қолдириб келинган. Уларнинг қудрати бирликлда, яъни бир жойда сақланишида бўлган.

ўрнида янги уй-жойлар қад ростлади.

Кунларнинг бирида бу томонларга келиб қолган бир бахши Бештепанинг муқаддас бойлиги – бешта қимматбаҳо эгизак тошларини қўшиққа солиб қўйлай бошлади. Шундан сўнг маҳаллий аҳоли бир пайтлар яшириб қўйилган дафина – эгизак тошларни қидиришга тушди. Улардан бири: "Муқаддас тошлар зора шу ерда бўлса", деган илинжда ёлғиз тепалик ёнига келди. У оёқ остидаги ҳар бир тошга синчковлик билан тикилиб, узоқ айланди. Бир пайт тепаликнинг этак қисмидаги чуқур ковакка кўзи тушиб, қўлини тикди. Уларнинг қудрати бирликлда, яъни бир жойда сақланишида бўлган.



Аммо, кунлардан бир кун ёт қабила жангарилари мўр-малаҳдай бостириб келишди ва ҳаёт-мамонт жанги бошланади. Кўп одамларини йўқотган бештепалар қолдан тояди. Бешта муаззам қалъа ўт ичида қолади. Қимматбаҳо тошларнинг кекса кўриқчиси сўнгги кучини тўплаб, қамалда қолган шаҳардан бир амаллаб қутулиб чиқшга муваффақ бўлади ва бу фаний дунёни аллақачон тарк этган дарвешларнинг мангу қароргоҳини тусмонлаб йўлга тушади. Харобалар орасидан эски қабр ўрнини топиб, муқаддас тошларни кўмиб қўяди-ю, ўзи ҳам шу кўхна қабр деворлари остида мангуға кўз юмади.

...Тенгсиз жангда маҳаллий аҳолининг асосий қисми қирилиб кетди. Ёвуз душман кўпчилигини асрга олади. Уй-жойлар, дала, боғлар ҳувилаб қолади. Ҳатто, бу жойни жонзотлар ҳам тарк этади.

...Орадан бир неча ўн йиллар ўтгандан сўнггина бу ерда ҳаёт қайта жонлана бошлади. Унумдор далалар яна яшил либосини кийди. Боғлар гулларга бурканди. Кўхна харобалар

на илон чиқиб келди. Кетидан эса яна биттаси... Йигитнинг ўтақаси ёрилиб, ўқдай унганча, бу жойдан қочиб қолди.

Шу воқеадан сўнг кексаю ёш Бештепанинг ўша "тил-сим"ини топиш ҳаракатида тушади. Аммо, уларни ҳар сафар тепаликнинг "хўжайинлари" – илонлар қарши олишарди...

Шундай қилиб, қанча ури-нишмасин Бештепанинг муқаддас тошларини топиш ҳеч кимга насиб этмади. Ниҳоят, одамлар Бештепанинг номини Илонтёпа қўйдилар.

Биз ҳам археологлар билан Илонтёпада бўлдик. Атроф тинч, сокин жой. Оқоридаги афсона қандай пайдо бўлганини англадик: Ер юзида ҳамма нарса ўткинчи. Аммо, ҳаёт давом этаверади. Одамлар ўзлари муқаддас деб билган жойларни ҳеч қачон ташлаб кетмайдилар. Хулоса шунки, Бештепанинг маҳум дафинаси ҳақидаги афсона одамларни бу жойларга яна ва яна қайтиб келишга ундайверади.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос"
хайрия жамғармаси
вилоят бошқармаси
бошлиғи

21 октябрь – Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун



ЭРКИН ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қоҳрамони,
халқ шоири

ОНА ТИЛИМ ЎЛМАЙДИ

Нотик деди:
"Тақдир шул,
Бу жаҳоний ирода,
Тиллар йўқолур буткул,
Бир тил қолур дунёда".

"Эй воиз, пастга тушгин,
Бу гап чиқди қаердан!"
Навоий билан Пушкин
Түриб келди қабрдан.

Ким дарғазаб,
Ким ҳайрон,
Чиқиб келдилар қатор:
Данте, Шиллер ва Байрон,
Фирдавсий, Бальзак, Тагор.

"Ваъзингни қўй, биродар,
Сен айтганинг бўлмайди".
Барча деди баробар:
"Она тилим ўлмайди".

– Хей, бу қандай ақида! –
Қўлида табаррук жом,
Ўзал форсий ҳақида
Рубоий айтди Хайём.

Эхтиросли, оташдил
Берамке сўрди нолон:
– Наҳотки, фаранги тил
Йўқолгуси бир замон!

Неруда, Лорка турди
Сервантеснинг ёнига:
– Ким қасд этиб тиг урди
Она тилим жонига!

Фузулий ёнди:
– Озар
Тили гўлдек сўлмайди.
Барча деди баробар:
"Она тилим ўлмайди".

Камалакдек ранго-ранг
Бўлсин деб санъат, тиллар,
Асрларча қилдик жанг,
Армон қилдик минг йиллар.

Бекадр бўлса, наҳот,
Тиллардаги тароват!
Йўқолди бу кун, хайхот,
Қабрларда халоват!

"Фауст" ёнди гуриллаб,
"Хамса" ўтга туташди.
Бир садо жаҳон бўйлаб
Таралди, тоғлар ошди.

Бу садо янграб ҳамон,
Сира адо бўлмайди.
Олам айтар:
Ҳеч қачон
Она тилим ўлмайди!

Ҳар йили октябрь ойи бошланиши билан оммавий ахборот воситаларида бир хил мавзулар кўтарилади: "Ўзбек тилига доир муаммоларни қачон ҳал қиламиз?", "Алифбо масаласида қачон бир тўхтама келамиз?" Тинимсиз гапираверамиз, аммо ўзимиз фикр юритаётган муаммонинг объектив ва субъектив томонлари ҳақида деярли ҳеч ким ўйламайди.

Хафсаласизлик ва шошма-шошарлик билан ҳеч бир иш ҳал этилмайди. Давлат қонунлари, миллат ва мамлакатнинг руҳини, унинг сиёсий-иқтисодий ҳамда маданий мавқеини белгиловчи ҳужжатлар зиёлилар қатлами, давлат органлари фикр-мулоҳазалари ҳамда халқ муҳокама-си билан ҳал этилади.

Ўзбек тилига 1989 йилнинг 21 октябрь куни расман Давлат тили мақоми берилди. 1993 йилнинг 2 сентябрь куни эса Ўзбекистон Республикасининг "Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. 1981 йили Москвада нашр этилган 2 томли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" 2006-2008 йиллар мобайнида Ўзбекистон Фанлар Академияси томонидан тўлдирилиб, 5 жилдда қайта нашр этилди. 2016 йилнинг 13 май куни Президент фармони билан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил топди.

Қуриб турганингиздек, давлат томонидан қанчалик эътибор қаратилмасин, тилимизнинг ички ва халқаро мавқеини юксалтириш масаласида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Бизнингча, бунинг бир қанча объектив сабаблари мавжуд:

– 1995 йилнинг 21 де-

кабрида янги таҳрирда қабул қилинган "Давлат тили ҳақида"ги Қонун бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бера олмаётгани;

– 1995 йил 6 май куни қабул қилинган "Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш

ўртасида аниқ белгиланган чегара ва ўзаро озиқла-ниш меъёрлари ҳақида қўлланмалар деярли мавжуд эмаслиги каби ҳолатлар давлат тилининг ҳар томонлама ривожланиши йўлида тўсиқ бўлиб кел-моқда.

сак, тилга оид муаммоларни ҳал қилиш бўйича етар-лича маънавий меросимиз бор: Қорахонийлар даврида туркий тил давлат тили сифатида тан олинган; Хусайн Бойқаро султонли-гида ҳам туркий тил дав-лат тили эди; Муҳаммад

МИЛЛАТНИНГ «ОЙИНАИ ҲАЁТИ»



тўғрисида"ги Қонунга ўз-гартаришлар киритиш ҳа-қида"ги Қонун катта авлод ва ёш авлод ўртасида маънавий муросасизликка сабаб бўлаётгани;

– ҳанузгача барча ўзбек миллати вакиллари ва китобхонлари учун умумий бўлган мукаммал ҳолдаги "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" нашр этилмагани;

– компьютер тилшунос-лиги соҳасига ниҳоятда кеч киришганимиз ҳамда ўзбек тилининг изоҳли электрон базаси шакллантирилмагани;

– миллий тил, адабий тил, шева-диалектлар ҳамда услубий хосланган тармоқлар

Муаммолар ечимини топиш учун катта куч сарфлашнинг ҳолати йўқ; ўзбек зиёлилари бир неча йиллардан бери оммавий ахборот воситаларида бу масала бўйича жон қуйдириб гапиришади. Масаланинг айрим томонлари борки, бу муаммонинг туб негизини фаҳмлаган энг машҳур зиёлилар ва илм аҳли бир ёнда қолиб, юқорида санаб ўтилган масалалар ечимини билан меҳнати ҳали кўзга кўринмаган мутахассислар шу-гулланаётгани кишини ажаблантиради.

Аслида, тарихимизга назар ташлайдиган бўл-

Хоразмшоҳ II, Қўқон хони Амир Умархон қабиладан бўлиб, уларнинг тилга алоҳида эътибор қаратишган.

Демак, ўзбек тили ўз тарихий тараққиёти босқичида аввал ҳам бир неча бор давлат тили мақомига эришган. Бундан ташқари, Германия, Япония, Туркия ва шу каби давлат тили масаласида яқдилликка эришган мамлакатлар тажрибасидан ҳам ижодий фойдаланишимиз мумкин.

Абдулла Авлоний айтганидек, "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур, миллий тилини йўқотмак, миллатнинг руҳини йўқотмакдур". Агар маълум бир тилга мансуб халқни бир одам сифатида тасаввур қиладиган бўлсак, унинг сўзга, ўз нутқи ва тилига бўлган муносабати бо-тиний олами кўрсатиб беради ва жамиятдаги мавқеини белгилайди. Атрофдагилар ҳам у билан шунга яраша муносабат ўрнатади.

Шохрўз УМАРЖОНОВ,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси

Митти ҳикоя

ҚИЗАЛОҚ ВА ПУФАКЧА

Бу воқеани озарбайжонлик инсон шундай ҳикоя қилиб берганди.

Қорабўғда шахид кетган бир дўстимнинг уйига боргандим. Унинг беш ёшли қизи тиззамга келиб ўтирди. Унинг қўлида пуфаки бор эди.


– Қизим, кел шу пуфакни бирга ўйнаймиз.

– Йўқ, ёрилиб кетади.

– У ёрилса сенга мингларча пуфак олиб бераман.

– Йўқ, амаки. У ёрилса мен ўламан. Бу пуфакни дадам шиширган. Унинг ичида дадамнинг нафаси бор...

Мирзоҳид МУЗАФФАР



Олтин куз таровати

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:

111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги

офисимиз:

100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)

(71) 233-70-10

(71) 233-90-82

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Электрон почта: toshkenthqiqati@uamail.uz

th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета "Тошкент ҳақиқати"
таҳририяти компьютер марказида
териялди ва Тошхўр Махмудхўжасв
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусавҳиҳ

Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи

Зухридин РАҲМОНОВ